



Хижрий 583 йил, 25 робитъус-соний ойи, шанба куни / мил. 1187 йилга мувофик, Салохиддин Айюбий Куддусни «Хиттийн» маъракасида салибчилардан кайтаришга эришди ва улар эгаллаган кўпгина шаҳарларни ҳам улардан озод қилади, Аллохнинг изни билан, тўксон йилга яқин сурган зулм ва ишғолдан Фаластин аҳли қутулади. Шундан кейин Аксо Масжидида кўплаб ўзгаришлар бўлди, хоссатан жума намози учун масжид ислох қилинди: Насоролар эътиқодига кўра покланиш учун қурулган сув ҳовузлири, тижорат учун сакланадиган дон-дунлар омбори ва масжидда бўлиши жоиз бўлмаган салибчи-насороларга тегишли барча нарсалар ташқарига чиқариб ташланди, ҳуллас Аллохнинг изни билан уларнинг ёмон амалларидан Аксо покланди.

Хижрий 583 йил, 25 робитъус-соний ойи, шанба куни / мил. 1187 йилга мувофик, Салохиддин Айюбий Куддусни «Хиттийн» маъракасида салибчилардан кайтаришга эришди ва улар эгаллаган кўпгина шаҳарларни ҳам улардан озод қилади, Аллохнинг

изни билан, тўксон йилга якин сурган зулм ва ишголдан Фаластин ахли кутулади. Шундан кейин Аксо Масжидида кўплаб ўзгаришлар бўлди, хоссатан жума намози учун масжид ислох килинди: Насоролар эътиқодига кўра покланиш учун курулган сув ховузлири, тижорат учун сакланадиган дон-дунлар омбори ва масжидда бўлиши жоиз бўлмаган салибчи-насороларга тегишли барча нарсалар ташкарига чиқариб ташланди, хуллас Аллохнинг изни билан уларнинг ёмон амалларидан Аксо покланди. Аввалроқ мил. 1168-1169 йилларда занкийлар амири Нуриддин Занкий(Аббосийларга тобеъ бўлган Занкийлар иморатининг асосчиси.) Аксо Масжиди учун минбар курдирган эди, шояд фатх килинса ўрнатиш учун, деб. Лекин ўзи курдирган минбарни Аксога ўрнатишга етишолмай вафот этса-да, кейинчалик Салохиддин Айюбий фатхдан кейин 1187 йили ноябр ойларида Нуриддин Занкий номидан ўша минбарни Масжидга ўрнатади, амал холис бўлса шундай давом этади, албатта. Мил. 1218 йилда Дамашкдаги айюбийлар султони Муъаззам даврида Масжиднинг шимолий тарафига учта дарвоза билан бир неча устунлар иншо килинган. Мил. 1345 йилда мамлукийлар султони Комил Сайфуддин амри билан Масжиднинг шаркий ёнига тошлардан икки йўл тўшалиб, кириш учун икки йўл очилган. Мил. 1516-17 йилда усмонийлар келади, султон Ёвуз Селим расман мамлукийлардан - аббосийлар халифаси Мутаваккил гувоҳлигида Шомдан кейин Куддус калитини ҳам олишга эришади. 1527 йилгача Аксода деярли янгилик киритилмади, факатгина умумий ободонлаштириш ишлари олиб борилди, 1527 йилда Косим Паша масжид худудида фаввора куради, кейин масжиддаги ховузларни қайта таъмирлайди, учта гумбаз куради, кўзга кўринган курулишлардан бири 1538 йилда «Куббатун Набий» курилган. Усмонийлар кейинги асрларда Байтул Макдисга катта эҳтимом билан караган ва у ерга эътибор беришни ўзлари учун энг олдинги вазифаларидан, деб билган мукаддасотлардан санарди, охириги усмоний султонлари Аксо ва Куддусни жонларидан азиз кўриб у ерни кўп обод килганлар. Маккадаги Харам ва Набавий масжиди каторида Аксо масжидига ҳам; ҳам рухий, ҳам моддий дастак бериб улкан хурмат кўрсатар эдилар. Усмоний сулоласининг охириги султонларидан Султон Абдулхамид Хон II Фаластиндан яхудийларга бир қарич ерни сотмагани ҳаммага маълум, у киши Мукаддас ерни дунёларга алишмади, нақд беш миллион олтин таклифини ва усмоний давлатининг гарбдаги давлатлардан қарзлари узилиши эвазига ҳам ер сотмаган, балки таклиф килганларга кескин рад жавобини берди.(Кенгрок маълумот учун Проф. Др. Ўмар Фарук Харман ривоятдан ёзилган, Пелин Чифт, «Kudusun gizemli tarihi» китобига қаралсин - туркча матн.) Лекин, у кишидан кейин, яъни султон Абдулхамид Хон II тахтда ўттиз уч йиллик султонлик фаолиятдан кейин - усмонийларнинг охириги икки султонлари нафакат Фаластин ёки Куддус, балки 600 йиллик усмонийлар курган ислом ва турк салтанатини саклаб қолишга қодир бўлмадилар, гарбнинг жоду сиёсати дунёдаги бошқа империялар каби ислом империясини ҳам парчалади.

"ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан